Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 14 ноябрь, № 241 (9412) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

2027 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 ноябрь куни 2027 йил учун Давлат бюджетининг мақсадли кўрсаткичлари, асосий макроиқтисодий прогнозлар ҳамда бюджет-солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Қайд этилганидек, жорий йил якунида мамлакатимиз иқтисодиёти камида 8 фоизга ўсиши, ялпи ички маҳсулот ҳажми 200 миллиард доллардан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад эса 5,2 минг доллардан ошиши кутилмоқда.

Эришилган натижалар иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги босқичига ўтиш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Хусусан, 2030 йилга бориб ялпи ички маҳсулот ҳажмини 300 миллиард долларга, келгуси ўн йилда аҳоли жон бошига даромадни 10 минг долларга етказиш мақсад қилинган.

Конституциямизда Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат экани мустаҳкамлаб қўйилган, инсон, унинг ҳаёти ва қадр-қиммати олий қадрият сифатида эътироф этилган. “Инсон қадри учун” деган эзгу тамойил Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг бош мезонига айланган. Зеро, иқтисодий тараққиётнинг асл мазмун-моҳияти, энг аввало, унинг самараси ҳар бир инсон, ҳар бир оила ҳаётида сезилиши, халқимиз фаровонлиги юксалиши, сифатли таълим ва тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайиши ҳамда муносиб турмуш шароитлари яратилишида намоён бўлиши лозим.

Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги келгуси йилда ҳам сақлаб қолиниши айнан шу устувор мақсадларга хизмат қилади.

Жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни молиялаштириш учун жами 176 триллион сўмга яқин маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда. Таълимга 114,3 триллион сўм (ўтган йилгидан 14 триллион сўм кўп), тиббиётга 61,4 триллион сўм (ўтган йилгидан 12 триллион сўм кўп) ажратилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, ҳудудлар ва маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлиги ҳамда даромадларини ошириш, инсон капиталини ривожлантириш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш учун 70 триллион сўм ажратилиши белгиланмоқда.

Ижтимоий мажбуриятларни барқарор молиялаштириш учун иқтисодиётнинг йиллик ўсиш суръатларини камида 7 фоиз даражасида таъминлаш, мавжуд захиралар ва янги технологик омилларни ишга солиш зарурлиги таъкидланди.

Шу мақсадда келгуси йилдан иқтисодий ўсишнинг янги моделига ўтиш, ҳар бир тармоқда юқори қўшилган қиймат яратиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва юқори даромадли иш ўринларини кўпайтириш асосий вазифалар этиб белгиланмоқда.

Йиғилишда узоқ муддатли юқори иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган янги ёндашувлар кўриб чиқилди. Халқаро тажриба барқарор тараққиётнинг асосий омиллари экспортга йўналтирилган рақобатбардош ишлаб чиқариш, технологиялар трансфери, инвестициялар самарадорлиги, макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий сиёсатнинг ўзгарувчан шароитларга мослашувчанлиги эканини кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиқиб, иқтисодий ўсишнинг янги модели асосини замонавий саноат сиёсати ташкил этиши белгиланмоқда. Ушбу сиёсат юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар тайёрлашга ўтиш, илғор технологияларни жалб қилиш, миллий корхоналарнинг халқаро ишлаб чиқариш занжирларига интеграциясини кучайтириш ва экспорт таркибини диверсификация қилишга қаратилган.

Хусусан, кимё ва нефтькимё, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика ва бошқа истиқболли саноат тармоқларини жадал ривожлантириш бўйича янги стратегия ишлаб чиқилмоқда.

Янги саноат сиёсати доирасида ҳар бир устувор тармоққа йирик халқаро компаниялар ва бренд инвесторларни жалб қилиш, замонавий саноат зоналарини шакллантириш, маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ҳамда корхоналарнинг технологик салоҳиятини ошириш режалаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ – ДУНЁНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ МУСУЛМОНЛАРИ САФИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев халқаро нашр томонидан дунёдаги энг нуфузли 50 нафар мусулмондан бири сифатида эътироф этилди





Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев “The Muslim 500: The World’s 500 Most Influential Muslims 2027” халқаро нашрининг янги сонида чоп қилинган дунёдаги энг нуфузли 50 нафар мусулмон рўйхатига киритилди.

Нашр муаллифлари Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар натижаларини, минтақавий алоқаларнинг мустаҳкамланаётганини, халқаро ҳамкорликнинг ривожланаётганини, Ўзбекистоннинг тарихий ислом меросини сақлаб қолиш ва тарғиб қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларини эътироф этган.

Хушхабар

Сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларга бағишланган бўлимда Шавкат Мирзиёев 2016 йилдан бери Ўзбекистонга раҳбарлик қилиб келаётгани ва “Янги Ўзбекистон” ғояси остида кўламли ислоҳот дастурини амалга ошираётгани таъкидланган. Муаллифлар иқтисодиётнинг эркинлашуви, валюта тизимидаги ўзгаришлар, мамлакатнинг хорижий инвестициялар учун очилиши, халқаро савдони кенгайтириш ва қишлоқ хўжалигини модернизациялаш борасидаги ишларни бу ислоҳотларнинг асосий йўналишлари қаторида қайд этган. Шунингдек, улар таълим, соғлиқни сақлаш ва давлат хизматларини такомиллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни ҳам юқори баҳолашган. Пахта саноатида тизимли мажбурий меҳнатнинг бартараф этилгани ислоҳотларнинг муҳим ютуқларидан бири сифатида таъкидланган.

Президентимизнинг дунёдаги энг нуфузли мусулмонлар сафига киритилишига яна бир сабаб, бу — минтақавий дипломатия ва халқаро муносабатларни ривожлантиришдаги роли. Муаллифларнинг фикрича, сўнгги йилларда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан алоқаларини тиклади ва мустаҳкамлади, бу эса минтақавий савдо ҳамда ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилди.

Нашрда Ўзбекистоннинг очиқ ташқи сиёсати мамлакатга халқаро майдонда муҳим дипломатик ва иқтисодий шерик сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаш имконини бергани таъкидланган.

Давлатимиз раҳбарининг ютуқларини тавсифлашда тарихий ислом меросини сақлаб қолиш борасидаги фаолият муҳим ўрин тутади. Муаллифлар масжидлар қуриш ва уларни реконструкция қилиш, Ҳаж ва Умра сафарлари учун имкониятларни кенгайтириш, тарихий зиёратгоҳлар ҳамда муқаддас диний қадамжоларни тиклаш бўйича қилинган ишларни келтириб ўтишган. Энг йирик лойиҳалар қаторида Имом Бухорий ва Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуалари санаб ўтилади. Анъанавий ислом таълими ва илмий тадқиқотларнинг ривожлантирилаётгани ҳам тилга олинган. Бунга мисоллар сифатида Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий илмий-тадқиқот марказлари, тарихий мадрасаларга инвестициялар ҳамда Тошкентда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилгани айтилади.

Рейтинг муаллифлари тарихий ёдгорликларни сақлаш, музейлар ҳамда таълим муассасаларини ривожлантиришга инвестициялар киритилганига эътибор қаратган. Улар бу саъй-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг миллий ўзига хослигини мустаҳкамлашга ҳамда ислом илми ва цивилизациясининг тарихий маркази сифатидаги халқаро мақомини тиклашга қаратилган, деб баҳолайди.

Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё давлатларидан “ТОП — 50” рейтингига кирган ягона аъзодир. Рўйхат турли мамлакатлар ва фаолият соҳалари вакиллари, жумладан, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, монархлар, дин пешволари, олимлар, жамоат арбоблари, спорт ва маданият соҳасининг таниқли вакилларини ўз ичига олган. Эътироф этилганлар орасида Президентимиздан ташқари Саудия Арабистони, Покистон, Туркия, Эрон, Иордания, Қатар, БАА ва бошқа давлатлар раҳбарлари бор.

“The Muslim 500: The World’s 500 Most Influential Muslims” — бу дунё мусулмонлари ҳаётига бағишланган йиллик нашр бўлиб, у ислом дунёси ривожига сезиларли таъсир кўрсатади. Янги нашр Иорданиянинг Аммон шаҳрида жойлашган Ислом стратегик тадқиқотлари қироллик маркази томонидан тайёрланган.

Рейтинг таъсирни кенг англашга асосланган. Тузувчилар шахснинг сиёсий, иқтисодий, молиявий, маданий, мафкуравий, диний ёки бошқа фаолият орқали мусулмон оламига сезиларли таъсир кўрсатиш қобилиятига урғу қаратишади. Лойиҳанинг мақсади муайян шахсларнинг мусулмон ва глобал ҳамжамиятларга таъсир кўламини аниқлаш ҳамда намойиш этишдан иборат. Рейтингни тайёрлашда турли ёндашувлар қўлланилиб, бунда ижтимоий кўрсаткичлар, жамоатчилик фикри ва экспертларнинг баҳоси ҳисобга олинади.

«Халқ сўзи».

МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА — ИНСОН МАНФААТИ



Кеча Олий Мажлис Сенати қўмиталарида ҳудудлар манфаати учун муҳим масалалар ва қонунлар атрофлича кўриб чиқилди. Хусусан, Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд имкониятлар ва ечимини кутаётган муаммолар Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида муҳокама қилинди.

Сенат қўмиталарида

Бугунги кунда вилоятдаги 350 дан ортиқ меҳмонхона, хостел ва меҳмон уйларида 10 мингдан ортиқ ўринлар мавжуд. Бу эса туризм хизматлари экспорти ҳажмининг ортишига ҳам замин яратган. Айни пайтда туристик инфратузилмани яхшилаш, транспорт қатновларини кенгайтириш, экологик ва зиёрат туризмини ривожлантириш, Хоразмнинг халқаро миқёсдаги туристик жозибадорлигини кучайтиришга қаратилган лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Муҳокама давомида ҳудуднинг бой тарихий-маданий меросы, туристик объектлари ва мавжуд инфратузилмасидан самарали фойдаланиш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш, хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда янги туристик йўналишларни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, соҳадаги айрим муаммолар ҳам кўрсатиб ўтилди.

2

Қонунчилик палатаси Кенгашида

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ — УСТУВОР ВАЗИФА



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг навбатдаги йиғилишида Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитасининг 2026 йил январь — октябрь ойларида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилди. Унда қўмита томонидан ҳисобот даврида қонун ижодкорлиги, парламент назорати, тадбиркорлар билан мулоқот ҳамда фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш йўналишларида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар ҳақида маълумот берилди.

Қайд этилганидек, ўтган ўн ой давомида қўмита томонидан 15 та қонун лойиҳаси кўриб чиқилган. Бу кўрсаткич 2025 йилнинг шу давридагига нисбатан 4 тага кўпдир. Уларнинг 12 таси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган. Мазкур ҳужжатлар лицензиялаш тартиб-таомилларини такомиллаштириш, зилзилабардошлик ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш, ёнғин ва саноат хавфсизлиги, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш, тадбиркорлик фаолияти кафолатларини кучайтириш каби муҳим соҳаларни қамраб олди.

Шунингдек, қўмита тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда қатор қонунчилик ташаббусларини ўрганиб, уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тақдим этган. Хусусан, махсус иқтисодий ва саноат зоналари, муқобил инвестиция фондлари, кўп квартирали уйларни бошқариш ҳамда улушли қурилиш муносабатларига оид масалаларга эътибор қаратилган. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан ҳамкорликда Инвестициялар кодекси лойиҳаси устида ҳам иш олиб бориляпти.

Қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, белгиланган вазифаларнинг амалда бажарилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ҳам қўмита фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Ҳисобот даврида 16 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилиб, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилган, қонунчилик ҳужжатлари ижроси ўрганилди. Хусусан, инвестиция, қурилиш, энергетика, транспорт ва темир йўл соҳаларидаги қонунлар ижроси, бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳамда тармоқларни ривожлантириш кўрсаткичлари таҳлил қилинган. 9 сентябрь куни ўтказилган “Ҳукумат соати”да давлат хизматларини тадбиркорлик субъектлари учун янада кенгайтириш ва маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш масаласи муҳокама этилди.

2

СОҒЛОМ АВЛОД ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАК

Бугун иқлим ўзгариши нафақат табиатга, балки инсон саломатлиги, озиқ-овқат ва сув хавфсизлиги, таълим сифати, иқтисодиёт барқарорлиги ҳамда келажак авлодлар тақдирига ҳам бевосита таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, сув танқислиги, қурғоқчилик, чўлланиш, қум ва чанг бўронларининг кучайиши Марказий Осиё мамлакатлари олдига кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни қўймоқда.

Муносабат

Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар муайян натижалар бермоқда. Хусусан, ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган “иссиқхона газлари” чиқиндиларини 35 фоизга қисқартириш мақсади муддатидан олдин бажарилди. Энди 2035 йилга қадар ушбу кўрсаткични 2010 йилги даражага нисбатан 50 фоизга камайтириш вазифаси белгиланган. Яқин тўрт йилда қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини 54 фоизга етказиш кўзда тутиляпти.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда ҳам сезиларли ўзгаришлар мавжуд. Сўнгги ўн йилда иқтисодиётда сув сарфи деярли икки баравар, табиий ҳавзалардан олинаётган сув миқдори эса бешдан бир қисмга камайди. Суғориладиган ерларнинг 60 фоизида сув тежовчи технологиялар жорий этилди.

Бу рақамлар ортида иқтисодий самарадорлик билан бирга аҳоли ҳаёти учун муҳим бўлган табиий ресурсларни асраб қолиш мақсади турибди. Чунки тоза ҳаво ва сув, соғлом атроф-муҳит инсон саломатлигини таъминлашнинг энг муҳим шартларидан. Касалликларни даволаш билан бир қаторда, уларни келтириб чиқарувчи экологик хавфларни камайтириш ҳам жамият саломатлигини муҳофаза қилишнинг устувор йўналиши бўлиши зарур.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 10-11 ноябрь кунлари Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессиясидаги (COP31) иштироки ана шу долзарб масалаларга амалий ечим топиш йўлида муҳим аҳамият касб этди.

Давлатимиз раҳбари Жаҳон иқлим саммитидаги нутқида Ўзбекистоннинг экологик барқарорликни таъминлаш борасидаги натижаларини баён қилиш билан бирга, минтақавий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган ташаббусларни илгари сурди.

3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 14 ноябрь

2027 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2027 йилда ҳар бир истиқболли тармоққа камида 2-3 тадан йирик инвесторни жалб қилиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, яримўтказгичлар, робототехника, биотехнологиялар, электромобиллар учун юқори технологик бутловчи қисмлар ва аккумуляторлар ишлаб чиқариш каби янги йўналишларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун халқаро брендларни жалб қилиш, илмий тадқиқот ва ишланмаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рақобатбардош миллий ишлаб чиқарувчиларни ривожлантиришнинг янги рағбатлантириш механизмлари кўзда тутилмоқда.

Иқтисодий ўсишнинг давомийлигини таъминлаш учун таркибий ислоҳотларни изчил давом эттириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада давлат корхоналари ва банкларини трансформация қилиш, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, энергетика ва транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, инсон капиталини ривожлантириш ҳамда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини якунлаш устувор вазифалар сифатида кўрсатилди.

Бунда давлат инвестицияларини хусусий капитал учун қулай шароит яратишга йўналтириш, иқтисодий ўсишни молиялаштиришнинг замонавий механизмларини шакллантириш ва инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Йиғилишда 2027 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий прогнозлар кўриб чиқилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, ялпи ички маҳсулот ҳажми 2027 йилда 232 миллиард долларга етиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, инфляция даражасини 2027 йилда 6 фоизга, 2028-2029 йилларда эса 5 фоизгача пасайтириш, олтинсиз экспорт ҳажмини 2027 йилда қарийб 40 миллиард долларга етказиш назарда тутилмоқда.

Тақдимотда 2027 йил учун Давлат бюджети даромадларини 416 триллион сўм, харажатларини эса 464 триллион сўм миқдорида белгилаш назарда тутилаётгани маълум қилинди. Бюджет лойиҳаси иқтисодий ўсишнинг 7 фоизлик прогнози асосида шакллантирилмоқда.

Жаҳондаги геосиёсий ва иқтисодий ноаниқликлар шароитида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, келгуси йилда инфляцияни 6 фоиздан оширмаслик, умумий фискал тақчилликни ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиз доирасида сақлаш муҳим вазифа этиб белгиланди.

2027 йилда ҳам асосий солиқ ставкаларини ўзгаришсиз сақлаш кўзда тутилмоқда. Бундай шароитда бюджет даромадларини кўпайтиришнинг асосий манбаи иқтисодий фаолликни рағбатлантириш, солиқ базасини кенгайтириш, “яширин иқтисодиёт” улушини қисқартириш ҳамда солиқ ва божхона маъмурчилигини такомиллаштириш бўлиши таъкидланди.

Шу муносабат билан рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш орқали солиқ ва божхона тушумларини қўшимча ошириш, тадбиркорлар учун қулай ва шаффоф муҳит яратиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Президентимиз бюджет харажатларининг ҳар бир сўми аниқ натижа бериши лозимлигини таъкидлади. Шу боис маблағларни мақсадли йўналтириш, самарасиз харажатларни қисқартириш, давлат инвестициялари ва субсидияларининг натижадорлигини ошириш, бюджет интизомини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, инвестиция дастури доирасидаги қурилиш лойиҳаларида бюджет маблағларининг сарфланишини тўлиқ кузатиб бориш имконини берадиган рақамли назорат тизимини синов тариқасида жорий этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда иқтисодий ўсишни молиялаштиришнинг янги механизмлари ҳам муҳокама қилинди. Банк тизимида хусусий капитал иштирокини кенгайтириш, кредит ресурсларини кўпайтириш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда давлат-хусусий шериклик имкониятларидан фойдаланиш ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни жадаллаштириш зарурлиги айтилди.

Мутасаддиларга 2027 йилда 65 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиш бўйича тармоқлар ҳамда ҳудудлар кесимида аниқ режалар ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда билдирилган фикр ва таклифлар асосида 2027 йил учун Давлат бюджети лойиҳасининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Қонунчиликка мувофиқ, бу лойиҳа ва унинг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари маҳаллий Кенгашларда муҳокама қилинади ҳамда якунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилади.

ЎзА.

МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА — ИНСОН МАНФААТИ

1 Хусусан, Дишан қалъадаги 50 дан ортиқ тарихий-маданий мерос объектларини ягона бошқарув тизими асосида асраш, уларни туристик фаолиятга жалб қилиш ва ЮНЕСКО рўйхатига киритиш ишларини жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Сенаторлар туристик ҳудудларда миллий маданият ва анъаналарни намоён этувчи доимий тадбирлар ўтказишни йўлга қўйиш, шу орқали сайёҳларнинг вилоятда бўлиш муддатини узайтириш масаласига ҳам эътибор қаратди. Шунингдек, Хоразмнинг туристик йўналишларини бошқа тарихий, маданий ва табиий объектлар ҳисобига кенгайтириш, уларни ўзаро боғлайдиган ягона маршрутлар яратиш, хизматлар сифати ва транспорт имкониятларини яхшилаш юзасидан таклифлар билдирилди.

Мажлис якунида Хоразм вилояти ҳокимлигига Ичан қалъада савдо фаолиятини тартибга солиш, Дишан қалъадаги тарихий объектларни ягона бошқарув тизимига бирлаштириш, халқаро авиақатновларни йўлга қўйиш бўйича тегишли идоралар билан ҳамкорликни кучайтириш, туристик ҳудудларда мунтазам маданий тадбирлар уюштириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Қўмита қарори билан белгиланган вазифалар ижроси ва уларнинг ўз вақтида бажарилиши парламент назоратига олинди.

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси мажлисида эса “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига молиявий жарималарни қўллашга, ушбу жарималарнинг қўлланилиши устидан шикоят қилишга ҳамда қонунга хилоф равишда ундирилган маблағларни қайтаришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама этилди.

Қонун билан юридик шахсларга нисбатан молиявий жарималарни қўллаш, уларни тўлаш ва тегишли қарорлар устидан шикоят қилиш тартибини такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, ҳуқуқбузарлик тан олинган тақдирда, жарима тўғрисидаги қарор беш иш куни ичида қабул қилинади. Қарор топширилганидан кейин бир ой ичида жариманинг 50 фоизи тўланса, қолган қисмини тўлашдан озод этиш белгиланмоқда. Шунингдек, жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти ҳам назарда тутилган.

Бундан ташқари, юридик шахс ҳуқуқбузарликни тан олмаган тақдирда масала суд тартибида кўриб чиқилиши, қарор устидан шикоят қилинганда унинг ижроси тўхтатилиши ва қонунга хилоф равишда ундирилган маблағлар 15 кун ичида қайтарилиши каби масалалар мазкур қонунда акс этяпти. Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги далолатномани юридик шахс вакили иштирокида расмийлаштириш ҳамда вакил уни имзолашдан бош тортган ҳолатларни видеоёзув ёки холислар иштирокида тасдиқлаш тартиби ҳам белгиланмоқда.

Мажлисда мазкур ўзгартиришлар молиявий жарималарни қўллашда ягона тартибни жорий этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш ҳамда уларнинг молиявий юкини камайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Муҳокама якунида қонун юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ — УСТУВОР ВАЗИФА

1 Қўмита фаолиятида тадбиркорлар билан бевосита мулоқот қилиш, уларнинг муаммоларини жойида ўрганишга ҳам алоҳида аҳамият берилди. 12 август куни Қонунчилик палатасида ўтказилган очиқ мулоқотда 60 нафардан зиёд тадбиркорлар иштирок этиб, ўзларини қийнаётган масалалар юзасидан таклиф ва мурожаатларини билдирди. Шунингдек, Чирчиқ кимё саноати технопарки, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг учинчи мис бойитиш фабрикаси каби объектларга ташрифлар уюштирилди.

Фуқаролар ва тадбиркорлар мурожаатлари билан ишлашда ҳам амалий натижаларга эришилди. Ўн ой давомида қўмитага 1 200 дан ортиқ мурожаатлар тушган бўлиб, улар қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилган.

Ҳисобот даврида қўмита фаолияти қонунчилик ташаббусларини илгари суриш, парламент назоратини кучайтириш ва аҳоли ҳамда тадбиркорлар билан очиқ мулоқотни кенгайтириш каби ўзаро боғлиқ йўналишларда олиб борилди. Кенгаш йиғилишида кўриб чиқилган ахборотда айтилган натижалар мазкур йўналишлардаги ишларни изчил давом эттириш, қонунларнинг ҳаётийлигини таъминлаш ва уларнинг ижроси устидан парламент назоратини янада кучайтириш муҳимлигини кўрсатади.

Кенгаш йиғилишида қўмита фаолиятини келгусида янада такомиллаштириш, хусусан, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш, қабул қилинган қонунлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш, соҳалардаги мавжуд муаммоларни тизимли таҳлил этиш ҳамда тадбиркорлар билан мулоқотни янада кенгайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Учрашув

ЗИЁГА ЙЎҒРИЛГАН МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Айни кунларда мамлакатимиз ҳудудларида Ўзбекистон зиёлилари кенгашининг ҳудудий йиғилиши доирасида қатор маънавий-маърифий тадбирлар ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

Шундай маърифий йиғинлардан бири Сирдарё вилоятида бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари — Анвар Тўйчиев ва Покиза Аҳмеджонова қатнашди.

Сенаторлар мамлакатимизда зиёлиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, илмий ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилаётган эътибор ҳақида сўз юритди.

Анжуманда “Ўзбек келаётир” видеоролиги намойиш қилинди. Йиғилиш доирасида ташкил этилган шуъбаларда билдирилган фикр ва таклифларни умумлаштириш, улар орасидан долзарб ташаббусларни саралаш ҳамда республика миқёсида илгари суриш масалаларига эътибор қаратилди.

Шунингдек, Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабида сенаторлар, соҳа вакиллари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирокида очиқ мулоқот уюштирилди. Унда таълим ва тарбия соҳасидаги ислоҳотлар, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ижодий қобилияти ҳамда дунёқарашини ривожлантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди. Ижод мактабларининг ёш авлод камолотидаги ўрни, ўқувчилар учун яратилган имкониятлар ва эришилаётган натижалар ҳақида фикр алмашилди.

Ана шундай тадбирлардан яна бири Фарғона вилоятида бўлиб ўтди. Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қозихонова Фарғона шаҳрида “Янги Ўзбекистон зиёлилари — миллий юксалиш таянчи” шиори остида ўтказилган вилоят зиёлилари билан мулоқотда иштирок этди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, миллий юксалишга эришишда илм-фан, таълим, маданият ва маънавиятнинг ўрни, зиёлиларнинг жамият тараққиётидаги масъулияти юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Зиёлиларнинг илмий, интеллектуал ҳамда ижодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ёшлар тарбияси, миллий қадриятларни асраш ва жамиятни маънавий юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда вилоятда мавжуд муаммолар қайд этилиб, уларнинг ечимлари ҳамда миллий юксалиш жараёнида зиёлиларнинг ўрни ва аҳамиятига доир таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

КУН ТАРТИБИДА — АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Олий Мажлис Сенатида Миллий гвардиянинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот

Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов иштирокчиларга парламент юқори палатасининг фаолияти, қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда парламент назорати доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Мулоқот давомида мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш ва жамоат тартибини сақлаш борасидаги ислоҳотлар муҳокама марказида бўлди. Бу жараёнларда Миллий гвардиянинг вазифалари, ваколатлари ва масъулиятига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, Миллий гвардия фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, соҳага оид қонунчилик ҳужжатларини тайёрлаш ва кўриб чиқишда Сенатнинг тегишли қўмитаси билан ҳамкорликни янада кучайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Сенаторлар — ҳудудларда

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ИШЛАРИ ЭЪТИБОРДА

Бухоро вилоятида экологик барқарорликни таъминлаш, яшил ҳудудларни кенгайтириш, кўчат етиштириш ҳамда шўрланган ер майдонларидан самарали фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан ўрганилаётганини хабар қилган эдик.

Ишчи гуруҳ Қоракўл тумани давлат ўрмон хўжалиги тасарруфидаги кўчат етиштириш майдонида бўлиб, ўрмончилар фаолияти билан танишди. Кўчатларни етиштириш ва парваришлаш, уларнинг маҳаллий иқлим шароитига мослашувини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди. Мазкур 18 гектарлик майдонда манзарали ва мевали дарахтларнинг 27 турига мансуб қарийб 2,5 млн. туп кўчат ва ниҳоллар парваришланмоқда.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳ Янги Ўзбекистон массивидаги “Маҳалла боғи”да амалга оширилаётган ишларни ҳам кўздан кечирди. Илгари ташландиқ, тошлоқ ва шўрланиш даражаси юқори бўлган мазкур ер майдонида ўрмон хўжалиги мутахассислари томонидан кўчатлар экилиб, яшил ҳудуд барпо этилди. Ўрганиш давомида кўчатларни парваришлаш ва яшовчанлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ туманда шўрланишга қарши курашиш ва шўрланган ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида галофит ўсимлиги экилган боғдаги иш жараёнини кузатди. Ўн гектардан ортиқ майдонни эгаллаган тажриба участкасида 30 дан зиёд турдаги галофит ўсимлиги етиштирилмоқда. Айни пайтда уларнинг шўрланган тупроққа чидамлилиги ва маҳаллий иқлим шароитига мослашуви илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этилмоқда.

«Халқ сўзи».

ТАДБИРКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАЯНЧИ

Бобур БЕКМУРОДОВ, қўмита раиси:



— Бугун мамлакатимиз иқтисодиёти олдида турган муҳим вазифалардан бири — мавжуд салоҳиятни тўлиқ ишга солиш, саноат тармоқларини технологик жиҳатдан янгилаш ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш. Бу нафақат иқтисодий ўсиш, балки мамлакатимизнинг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини ҳам белгилайди.

Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида иқтисодиётни юқори технологиялар ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказиш янги тараққиёт дастурининг муҳим йўналиши сифатида белгиланди. Бунинг учун инвестицияларни жалб этиш, саноатда юқори даромадли иш ўринларини яратиш, кичик бизнесни ўрта, ўрта корхоналарни эса йирик бизнесга айлантиришга хизмат қиладиган яхлит тизимни шакллантириш зарур.

Бундай мақсадларга эришишда мустаҳкам ҳуқуқий асослар ҳал этувчи аҳамиятга эга. Инвестор учун ишончли ҳуқуқий муҳит, тадбиркор учун содда ва тушунарли тартиб-таомиллар, ишлаб чиқарувчи учун тенг рақобат шароитлари яратилиши лозим. Шу нуқтаи назардан, инвестиция фаолияти, махсус иқтисодий ва саноат зоналари, муқобил инвестиция фондлари ҳамда улушли қурилиш бўйича ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш долзарб вазифадир.

Айни чоғда қонунчиликда белгиланган нормаларнинг амалда қандай ишлаётганини баҳолаш ҳам муҳим. Қонуннинг самараси унинг матни билан эмас, балки ҳаётда берган натижаси билан ўлчанади. Шу боис парламент назорати орқали тармоқлардаги муаммоларни аниқлаш, масъул ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилиш ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

Иқтисодиётнинг янги тараққиёт босқичига кўтарилиши ташаббус ва тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратадиган, инвестицияларни ҳимоя қиладиган, рақобатни рағбатлантирадиган ва ишлаб чиқаришни модернизациялашга хизмат қиладиган барқарор ҳуқуқий муҳитга боғлиқ. Қўмитамизнинг қонун ижодкорлиги ва парламент назоратидаги асосий вазифаси ҳам ана шу мақсадларга қаратилгани аҳамиятлидир.

БИЗНЕСНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДАН ЭКСПОРТГАЧА

Эркин ЗОҲИДОВ, қўмита аъзоси:



— Бугун тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фақат молиявий ресурслар ажратиш ёки имтиёзлар бериш билан чекланмайди. Бизнеснинг барқарор ўсиши учун унинг ҳар бир босқичига мос имкониятлар яратиш, янги бозорларга чиқишини рағбатлантириш, технологиялардан фойдаланишини кенгайтириш ва маъмурий тўсиқларни камайтириш талаб этилади.

Президентимизнинг шу йил 18 августда Хива шаҳрида тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқотида белгиланган устувор йўналишлар ҳам айни мақсадларга қаратилган. Унда бизнеснинг ўсиш босқичларига мос молиявий кўмак тизимини шакллантириш, ҳудудларда тадбиркорлик имкониятларини кенгайтириш, сунъий интеллект ва янги технологияларни жорий этиш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда маъмурий босимни камайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу вазифаларнинг ҳар бири тадбиркорнинг эҳтиёжидан келиб чиқади. Янги иш бошлаётган бизнесга бошланғич молиявий кўмак ва маслаҳат зарур бўлса, фаолиятини кенгайтиришни режалаштираётган корхонага ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, замонавий технологияларни жорий этиш ва янги бозорларга чиқиш имкониятлари керак. Демак, қўллаб-қувватлаш механизмлари бизнеснинг ривожланиш босқичига мос бўлиши лозим.

Маъмурий жараёнларни соддалаштириш ҳам ишбилармонлик муҳитининг муҳим шартидир. Ортиқча бюрократик талаблар ва асоссиз текширувлар тадбиркорнинг вақти ҳамда ресурсларини олади. Давлат органлари билан муносабатларда қонунийлик, ишонч ва ўзаро масъулият тамойилларини мустаҳкамлаш эса бизнес учун барқарор шароит яратади.

Кўмита олдидаги муҳим вазифалардан бири — мазкур устувор йўналишларнинг қонунчиликдаги ифодаси ва амалдаги ижросини таъминлашга кўмаклашиш. Бунинг учун тадбиркорлар эҳтиёжини ўрганиш, мавжуд тўсиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

МУРОЖААТЛАРДА МУАММОЛАР КЎРИНАДИ

Нодира ЖОНИБЕКОВА, қўмита аъзоси:



— Тадбиркорлик ва иқтисодий муносабатларга оид қонунчиликнинг самараси, аввало, унинг амалиётда қандай ишлаши билан белгиланади. Шу маънода, фуқаролар ва тадбиркорлар мурожаатлари қўмита учун соҳадаги муаммоларни аниқлаш, қонунчиликни такомиллаштириш ва парламент назоратини кучайтиришда муҳим манба ҳисобланади.

Қўмитага келиб тушаётган мурожаатлар мазмуни уларнинг бир нечта йўналишни қамраб олишини кўрсатади. Жумладан, тадбиркорлар маҳсулотларини электрон савдо майдонларига олиб чиқиш, интернет орқали тарғиб қилиш ва давлат кўмагидан фойдаланиш имкониятларига оид масалалар кўтарилмоқда. Бу эса кичик бизнес вакилларига молиявий ёрдам билан бирга, янги бозорларга чиқиш ва ўз маҳсулотини илгари суришда ҳам кўмак зарурлигини англатади.

Мурожаатларнинг яна бир қисми кўп квартирали уйларни бошқариш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти ва суд қарорлари ижроси билан боғлиқ. Бу масалалар мулкий ҳуқуқлар, хизмат кўрсатиш бозори ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг мазмуни ҳуқуқий механизмлар амалда самарали ишлаши кераклигини кўрсатади.

Бундай мурожаатларни кўриб чиқишда фақат алоҳида ҳолатни ҳал этиш билан чекланмаслик лозим. Агар бир хил муаммо турли мурожаатларда такрорланса, унинг сабабларини ўрганиш, масъул ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилиш ва зарур ҳолларда қонунчиликка ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш керак.

Мурожаатчилар билдирган таклифлар ҳам амалиётдаги тўсиқлар ва ҳуқуқий тартибга солишга бўлган эҳтиёжни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис улар билан ишлаш қўмита фаолиятининг фақат алоҳида йўналиши эмас, балки қонун ижодкорлиги ва парламент назоратининг ҳам зарур таркибий қисми бўлиши даркор.

«Халқ сўзи».

Стокгольм шаҳрида кадрлар тайёрлаш ва Швецияда ишга жойлаштириш бўйича ҳамкорликни ривожлантиришга бағишланган «Ўзбекистон — Швеция: кўникмалар, истеъдодлар ва меҳнат миграцияси» мавзуида форум ўтказилди.

СОҒЛОМ АВЛОД ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАК

1 Уларнинг мазмун-моҳиятида табиатни асраш, инсон саломатлиги муҳофазаси ва келажак авлодлар учун муносиб яшаш шароитини яратиш мақсади мужассам.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Марказий Осиёнинг Иқлим интеграцияси модели ахборот алмашинуви, технологик ҳамкорлик ва барқарор молиялаштиришни қамраб олган учта ўзаро боғлиқ йўналишга асосланади.

Биринчи йўналишда иқлим хавф-хатарлари тўғрисида маълумот алмашиш инфратузилмасини яратиш ва табиий офатлар ҳақида эрта огоҳлантириш тизимини йўлга қўйиш таклиф этилди.

Иккинчи йўналиш “яшил” технологияларни ривожлантириш, тупроқни тиклаш, қурғоқчилик ва чанг бўронларига қарши илмий асосланган ечимларни қўллашга қаратилган.

Учинчи йўналиш эса ушбу вазифаларни амалга ошириш учун имтиёзли грантлар ва янги молиялаштириш механизмларини шакллантиришни назарда тутади.



Ўз навбатида, бу ташаббуслар илм-фаннинг экологик муаммоларни ҳал этишдаги ўрнини янада оширади. Хусусан, университетлар ва илмий-тадқиқот муассасалари учун иқлим ўзгариши, сув ресурсларини бошқариш, тупроқ деградацияси, ҳаво ифлосланиши ва экологик хавфларнинг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш бўйича янги ҳамкорлик имкониятлари юзага келади.

Экологик таълимнинг яна бир муҳим жиҳати уни илм-фан ва инновациялар билан боғлашдир. Иқлим ўзгаришига мослашиш, сув тежамкорлиги, қайта тикланувчи энергия ва атроф-муҳит муҳофазасига оид тадқиқотларга ёшларни кенг жалб этиш келгусида мамлакатимиз учун зарур бўлган малакали мутахассислар авлодини тарбиялашга хизмат қилади.

Ташриф давомида Оролбўйи экологик муаммоларини ҳал этиш масаласи ҳам халқаро мулоқотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Айниқса, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳамкорлигида ишлаб чиқилган “Марказий Осиёда иқлим ўзгаришига чидамли ландшафтлар” минтақавий дастурининг бошлангани амалий натижалардан биридир. Етти йилга мўлжалланган ушбу дастурнинг умумий қиймати 264,4 млн. евро бўлиб, шундан 103,7 млн. евро Ўзбекистон учун ажратилган. Маблағлар ўрмон ва яйловларни тиклаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда қишлоқ аҳолисининг иқлим ўзгаришига мослашиш имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилади.

Бу каби лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамияти катта. Чунки экологик вазиятнинг яхшиланиши қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити, озиқ-овқат хавфсизлиги, аҳоли саломатлиги ва ҳудудларнинг барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Қолаверса, экологик хавфсизликни таъминлаш эндиликда фақат табиатни муҳофаза қилиш идораларининг вазифаси эмас. Бу жараёнда таълим муассасалари, олимлар, тиббиёт соҳаси мутахассислари, маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади.

Соғлом муҳитда улғайган, экологик билим ва маданиятга эга, замонавий илм-фан ютуқларидан самарали фойдалана оладиган авлод эса мамлакатимиз тараққиётининг энг ишончли таянчидир.



БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясида илгари сурилган ташаббусларнинг муҳим аҳамияти ҳам шунда: улар экологик барқарорликни таъминлаш орқали инсон саломатлигини муҳофаза этиш, илм-фан салоҳиятини юксалтириш ва келажак авлодлар учун муносиб ҳаёт шароитини яратишга хизмат қилади.

Одилжон МАМАТКАРИМОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.

Парламент дипломатияси

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИДА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Анталия шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессияси (COP31) доирасида Марказий Осиёда айланма иқтисодиётни ривожлантириш ва бу борадаги ҳамкорлик истиқболларига бағишланган халқаро сессия ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Хайрулло Гаффоров иштирок этди ва маъруза қилди.

“Марказий Осиёда айланма иқтисодиётга ўтишда парламентлар иштироки” мавзуидаги сессия муҳокамасида депутат мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш ва айланма иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида тўхталди.

Таъкидланганидек, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида юртимизда “яшил” иқтисодиётга ўтиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар мустаҳкам қонунчилик асослари билан таъминланмоқда.

Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида айланма иқтисодиётни ривожлантириш бўйича белгиланган мақсадлар, чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган институционал ислоҳотлар қайд этилди. Шунингдек, 2026 йил 20 октябрь куни Қонунчилик палатаси томонидан “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг янги таҳрири биринчи ўқишда қабул қилингани таъкидланди. Унда чиқиндиларни таснифлаш, иқтисодий рағбатлантириш чоралари, ишлаб чиқарувчи ва импортчиларнинг кенгайтирилган жавобгарлиги каби муҳим механизмлар назарда тутилган.

Муҳокамада айланма иқтисодиётга ўтишда минтақавий ёндашувларни шакллантириш зарурлигига эътибор қаратилди. Жумладан, чиқиндиларни ҳисобга олиш ва таснифлаш методикаларини уйғунлаштириш, ишлаб чиқарувчиларнинг кенгайтирилган жавобгарлиги механизмларини мувофиқлаштириш, иккиламчи хомашё бозорини ривожлантириш, шунингдек, чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлашга қаратилган қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Сессия якунида айланма иқтисодиёт бўйича халқаро тажриба алмашиш, молиявий ва техник кўмак механизмларидан самарали фойдаланиш ҳамда минтақа парламентлари ўртасида мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш билан боғлиқ тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

«ЯШИЛ» ТАРАҚҚИЁТ УЧУН УМУМИЙ МАСЪУЛИЯТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессияси (COP31)да сўзлаган нутқи халқаро ҳамжамият эътиборини тортди.

Акс садо

Бу Ўзбекистон қисқа муддатда — сўнгги ўн йил ичида ўз тараққиёт йўлини “яшил” модель асосида янгилагани, ҳар бир соҳада барқарор ривожланиш тамойилларини жорий этишга фаол киришгани билан боғлиқ. Бинобарин, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган газ чиқиндиларини 35 фоизга қисқартириш борасидаги мақсадини муддатидан олдин бажариб, 2035 йилгача буни 50 фоизга етказиш бўйича катта маррани белгилаб олди.

Бунга эришиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Кучли қонунчилик базаси ишлаб чиқилгани, қулай инвестициявий муҳит яратилиши, айни вақтда инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларда “олтин уйғунлик” алоҳида эътиборда экани бунда муҳим омил бўлмоқда. Биргина сувни тежаш масаласини олайлик. Ўн йил ичида иқтисодиётимизда сув сарфи деярли икки баравар, ҳавзалардан олинаётган сув миқдори эса бешдан бир қисмга камайди. Суғориладиган ер майдонларининг 60 фоизида сув тежовчи технологиялар жорий этилди.

Ўзбекистон Иқлим ўзгаришига қарши курашишда БМТнинг барча талабларини изчиллик билан бажариб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг қатор ташаббуслари БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қўллаб-қувватланяпти.



Анталия шаҳрида бўлиб ўтган саммитда ҳам мамлакатимизда экологик вазиятни яхшилаш, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва “яшил” тараққиётга ўтиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, айнан шу йўналиш бўйича минтақавий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган аниқ таклифлар илгари сурилди. Бу нутқнинг энг муҳим жиҳатларидан бири иқлим ўзгаришига қарши курашишни алоҳида давлатлар вазифаси сифатида эмас, балки умумий масъулият ва муштарак манфаатлар асосида ҳал қилиниши лозим бўлган масала сифатида талқин этилганидир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, иқлим муаммоларига ҳеч бир давлат ёлғиз ҳолда ечим топа олмайди.

Бугун Марказий Осиё давлатлари музликларнинг эриши, сув танқислиги, қурғоқчилик, чанг ва қум бўронлари каби умумий экологик таҳдидларга дуч келмоқда. Бу жараёнлар нафақат табиатга, балки аҳоли саломатлиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, иқтисодий барқарорлик ва келажак авлодлар турмуш сифатига ҳам бевосита таъсир кўрсата бошлади. Шундай шароитда Президентимиз томонидан Марказий Осиёнинг Иқлим интеграцияси моделини ривожлантириш ташаббуси илгари сурилгани айни муддаодир. Чунки мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда иқлим таъсирини ҳисобга олиш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари ушбу ҳамкорликни учта асосий йўналиш: ахборот, технологик ва молиявий йўналишларда ривожлантиришни таклиф этгани бу борадаги вазифаларни янада аниқлаштирди ҳамда давлат ва ҳукуматлар етакчиларининг Ўзбекистон тажрибасига ишончини янада мустаҳкамлади.

Мисол учун, ахборот алмашинуви инфратузилмасини яратиш ва эрта огоҳлантириш тизимини йўлга қўйиш ташаббусининг амалий аҳамияти шундаки, табиий офатлар хавфи юзага келганда давлатлар тезкор ва мувофиқлаштирилган чоралар кўриш имкониятига эга бўлади. Иқлим хавф-хатарлари тўғрисида ўзаро маълумот алмашиш эса хавфни олдиндан баҳолаш, аҳолини огоҳлантириш ва эҳтимолий талафотларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Президентимиз томонидан ҳар йили ўтказилаётган Марказий Осиёнинг “Eco Expo” кўргазмасини доимий инвестиция ва технологиялар майдонига айлантириш мақсадининг белгиланиши ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Бу орқали минтақа давлатлари илғор тажрибаларни ўзлаштириш, инновацион ечимларни амалиётга татбиқ этиш ва экологик лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш имкониятига эга бўлади.

Экологик муаммоларни ҳал этиш учун, албатта, барқарор молиявий манбалар зарур. Шу боис имтиёзли грантлар, “мовий” ва “арид” молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш ташаббуси минтақанинг ўзига хос табиий шароити ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда экологик лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг муҳим таянчи бўлади. Натижада сув ресурсларини тежаш, чўлланишга қарши курашиш, экотизимларни тиклаш ва экологик инфратузилмани ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар юзага келиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган барча ташаббуслар экологик хавфсизликни таъминлаш билан бирга, давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш, иқтисодий имкониятларни кенгайтириш ва аҳолининг фаровонлигини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Абдушукур ҲАМЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари.



МЕҲНАТДАН ЗАВҚ ТУЙМОҚ БАХТИ

Ёдингизда бўлса, август ойи охирларида қишлоқ хўжалиги вазири, академик Иброҳим Абдураҳмонов кўсаклари эндигина очилаётган пахтазорда интервью бераркан, “Насиб этса, бу йил пахта хирмони 4 ярим миллион тоннадан ошади, бунга асосимиз бор. Пахтачиликда Шинжон усули юқори натижа кўрсатмоқда”, деганди.

Юксалиш одимлари

Очиғи, ўша кунлар бу гапларга баъзилар ишончсизлик билан қараганди. Амалда ялпи хирмон кутилганидан ҳам юқори бўлди, 5 миллион тоннадан ошди. Бу янги Ўзбекистонда илм-фан ютуқлари устувор бўлаётгани, соҳага инновацион янгиликлар кириб келаётгани мевасидир.

Бинобарин, охирги ўн йилликда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун илмга, билимга таянилди, илмий салоҳият эътибори мана шу тармоқ тараққиётига йўналтирилди. Натижада замонавий деҳқончилик маданияти шаклланиб, суғориш тизимида янги технологиялар қўлланилди, ҳосилдорлик ошди, оғир дала юмушлари техникалар елкасига юкланиб, мажбурий меҳнатга барҳам берилди. Агар яқин ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, ўтган асрнинг 80-йилларида республикамиз бўйича қарийб 2 миллион гектар майдонга пахта экилгану ҳосилдорлик 30 центнердан ошмаган. Бугун-чи? 100 — 110 центнер ҳақида гапиряпмиз!

Президентимизнинг Ўзбекистон деҳқон ва фермерлари ҳамда барча қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган табриги элимизни беҳад қувонтириб юборди. Унда, жумладан, шундай ҳароратли сўзлар бор: *“Сизлар билан бутун халқимиз фахрланади, ғурурланади. Айниқса, иқлим ўзгариши билан боғлиқ қийинчиликлар кучайган жорий йилда пахта хомашёсини ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан, соҳанинг ички имкониятлари ҳисобидан юксак сифат билан йиғиб-териб олганингиз таҳсинга муносибдир”.*

— Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ аҳлига, дала меҳнаткашларига чексиз меҳру муҳаббати яққол сезилиб турган табриги бизни беҳад қувонтирди, — дейди **Улуғнор туманидаги “Улуғнорлик Юсупжон ери” фермер хўжалиги раҳбари, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби Муҳаббат Мадумарова.** — Чўлқувар фермер сифатида меҳнатимдан завқ туйиб яшаяпман. Бундан ортиқ бахт борми?..

Нега шу соҳани танлаганман? Чунки бу далада ота-онамнинг излари бор. Улар Улуғнорга юрагини берган, пахтазор мисоли уйимиз эди. Шу ерда туғилиб, далада катталарнинг ортидан эргашиб улғайдим. Ўқувчилик давримизнинг асосий қисми пахтазорда ўтган. Терим бошланса бошқа барча ишлар тўхтар, ҳатто, тўйга ҳам рухсат беришмасди. Куёв пахтазорда, келин далада. Ёлғон деманг-у, жанозага бориш ҳам тақиқланган кунлар бўлди. Сиёсат шунақа эди-да. Осмон узоқ, ер қаттиқ, гапингни ҳеч ким эшитмасди ҳам. Шуларни гапирсанг, бугунги авлод ишонмайди.

Фермер бирпас тин олади. Нималардир ёдига тушди чоғи, сўнг гапида давом этади:

— Биласизми, ҳаммаси ниятга боғлиқ экан. Чин дилдан сўрасангиз, ҳалол меҳнат қилсангиз, бошқаларни ҳам шунга руҳлантирсангиз, натижа ҳам юқори бўларкан. Масалан, шу йил 47 гектарлик буғдойзоримиз 70 центнердан дон берди. Пайкалнинг у бошига етмасданоқ комбайннинг бункери тўлиб қолаверди. “Опа, қанақа нав экансиз, бошоғи бунча узун, донга тўла”, дейди механизатор. Сувчи аканг Обиджондан сўра, буғдойнинг билимдони Ҳасанбой Мадумаровдан билиб ол дедим. Рости ҳам шу-да, жамоада жонкуяр одамлар шижоат кўрсатмаса, бир фермернинг қўлидан нима келади?..

Бу йил Шинжон усулида парваришлаган 24 гектарлик пахтазоримизнинг баракасини айтсам ишонмайсиз. Илгари юз гектардан шунча пахта ололмаганмиз. Ҳосилдорлик нақд 80 центнер. Бу — тупроғи қумлоқ, унумсиз бўлган Улуғнор учун рекорд кўрсаткич! Фермерликни бошлаган пайтимда ишлаган, кўпчилик фермерларнинг додини бериб урҳо-сур қилган собиқ амалдорларнинг оғзи очилиб қолди. Даламизга уларни атай чақирдим, Худо бераман деса, дўқ-пўписа қилмаса ҳам, тупроқ ийиб кетади, ҳосил зўр бўлади, мана, янги усул ва бошқарувнинг самараси, дедим.

Қовун-тарвуз, сабзи-пиёз, картошка, қўйингки, ҳамма экин бор пайкалда. Сувчию трактрочи, ҳатто молбоқарнинг ҳам улуши бор. Буларнинг барчаси пахта майдони қисқаргани, қисқарса-да, ҳосил салмоғи ошиб бораётгани ҳисобидан. Бурун 100 гектар ғўзадан олинмаган пахта бугун 20 — 30 гектардан олиняпти-да. Қойилмисиз?.. Мана сизга ислоҳотнинг меваси, амалий натижаси.

Агар яна рақамлардан сўзласам, 25 бош қорамолимиз бор, 2 гектарлик бодомзор яратганмиз, дала четларига экилган турли экинлар қўшимча 30 миллион сўм даромад келтирди. Насиб этса, бу йилги даромадимизга Хитойнинг далада ишлайдиган дронидан сотиб оламан. Жуда керак экан бу ускуна.

* * *

Кузатаётган бўлсангиз, бугун дунёни қамраб олган ижтимоий тармоқлару нуфузли ахборот манбаларида битта гап — Янги Ўзбекистоннинг пахтачиликда эришган натижалари. Муҳими, катта хирмонга муносиб ҳисса қўшган фермерларимизнинг ҳисоб рақамига эрта-индин пахта хомашёсининг пули, давлат мукофот тарзида бераётган субсидиялар тушади. Давлатнинг ана шу қўллови юз минглаб оилаларга барака олиб кириши ҳам бор гап.

Буни **Шароф Рашидов туманидаги “Кўрғонтепа” фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор, “Фидокорона хизматлари учун” ва “Меҳнат шуҳрати” орденлари соҳиби Абдунаби Абдураҳмонов** ҳам эътироф этди.

— 2,5 миллиард сўмдан ортиқ даромад олишни кўзлаб турибман, — дейди у. — Ниманинг ҳисобидан дерсиз?

> ***Шу ўринда сизга бир гапни очиқ айтай. Илгари пахта етиштиришда ўртача кўрсаткич 25 — 30 центнердан ошмаган ва бу бизнинг чўл шароитида ўтиб бўлмас “чегара” эди. Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган янги тизим натижасида илк бор ўртача ҳосилдорлик икки ярим бараварга кескин кўтарилди. Бу ерга бўлган муносабатнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани, фермер олтин топгандек даласига ёпишди-қолди дегани ҳамдир. Жуда сиёсатдан оладиган фермер экан деб ўйламанг, гапнинг дангали, элнинг оғзидаги эътироф бу.***

Шинжон усулидаги 25 гектарлик пахта ҳосили туфайли. Ўтган йили ҳам Хитой технологияси асосида чигит қадагандим. Лекин натижа юқори бўлишига ишончим йўқ эди. Харажати катта экан, ўзини оқлармикин, қарзга ботиб қолмаймизми, деган ҳисобчим. Шунга қарамай, таваккал қилдик. Буни қарангки, томчилатиб суғориш туфайли сув ҳам, унга аралаштирилган ўғит ҳам ўсимлик илдизига қадар етиб борди. Бегона ўтларни томири билан қуритган гербицид, не ажабки, ғўзага таъсир қилмади. Бу илмнинг кучи! Ўсимлик тез кўтарилди, кўсаклари ғиж-ғижлигини айтмайсизми. Дефолиация учун қўлланган кимёвий восита туфайли ғўзапоядаги барглар дув тўкилиб кетди. Натижада пахта териш машинаси эгатлардан бир ўтдию ҳаммаси михдай бўлди. Шундай пахта етиштиришни илгари интернетда кўрсам-да, ишонмагандим. Энди ўзимиз амалга оширяпмиз.

Йиғим-терим бурунгидек уч ойлаб эмас, балки 3-4 кун давом этди, холос. Ҳашарчини кутиб ол, мактаб ўқувчисини далага чиқар, пайкалга тарози қўй, юзлаб одамга тушлик, кечки овқат, тураржой ташкиллаштир, деган бошоғриқлар йўқ. Ана шунисига қойил дейман, дўппини осмонга отса арзийдиган замон бугун. Пахта майдонлари кескин қисқарган, ҳосилдорлик эса каррасига ортган. Икки йилдирки, пахтачилик билан шуғулланиш завқли юмушга, мақтовларга бурканадиган вазифага айланган. Қўшни фермерларда ҳам шундай.

Ўтган йил куз охирида заводдан пахта пулини хомчўт қилиб қайтаётганимда телефонимга СМС келди. Нима бало, яна харажатми, дея автомашинамни чеккага тўхтатиб телефон экранига қарадим. 170 млн. сўм. Шошиб қолдим. Дарров банкдаги йигитларга қўнғироқ қилдим. Субсидия, Шинжон усулида етиштирилган ҳар тонна пахта учун 1 млн. сўмдан дейишди. О-о, яшасин, дедим ва дарров ишчиларни мукофотлашга, кўчат учун пул тўлашга тушдим. Ахир бу икки жиҳат ҳам жуда муҳим-да. Меҳнаткашнинг бошини силанг, у жонкуярлик билан ишлайди. Кўчат экиб, боғ яратиш, мевали дарахтни кўпайтириш эса ҳам савоб, ҳам даромад. Дала четларини обод қилиш ҳам мевали дарахтларни кўпайтириш, дегани. Ахир 65 гектар ҳазилакам ер эмас, унинг қанча ўқариғи, дала чети бор, шуни ҳам бўш қўймаслик зарур-да. Шу йилнинг ўзида 2 минг туп ниҳол экдик, бунинг асосий қисми шунчаки терак новдаси эмас, ростмана ҳосил берадиган навли кўчатлар.

Бугун даламизни айланинг, бўш жойни кўрмайсиз. Мевали дарахтни эртагисидан ҳам, кеч гуллаб, кузга бориб ҳосил берадиганидан ҳам экканмиз. Шу боис май ойидан то декабрга қадар дарахтнинг ўзидан мевани узиб есангиз бўлади. Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалиги тизимини миридан-сиригача яхши билгани, муаммолар тезда ечимини топаётгани туфайли. Агар фермер бугунгидек субсидия олмаса, имтиёздан фойдаланмаса, завқ билан меҳнат қиладими, кўпроқ ҳосил олай, ердан самарали фойдаланай, деб елиб-югурадими? Албатта, йўқ.

Баҳромбой Мирзаев деган трактрочим бор, “техникани пирисиз-да, қўлингиз теккан деталга жон киради”, деб мақтайман, бир қоп семиради. Ана шу одамга янги трактор олиб бердик. Худди электромобилли бўлган бойваччадай қувонди. Шу боис қишин-ёзин хизматда. Муҳамади Умаров ҳам эскидан ўзим билан бирга ишлаган йигит, илиги бутун сувчи. Томчилатиб суғоришни нафақат пахтачиликда, балки бошқа экинлару боғларга ҳам қўллайлик деяпти. Сув тақчиллиги бугунгидек давом этса, унинг маслаҳатига қулоқ солмасам бўлмас, дейман. Ҳосилдорликни ошириш ҳисобидан харажат бир йилдаёқ қопланади, худди пахтадагидек.

Шу ўринда сизга бир гапни очиқ айтай. Илгари пахта етиштиришда ўртача кўрсаткич 25 — 30 центнердан ошмаган ва бу бизнинг чўл шароитида ўтиб бўлмас “чегара” эди. Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган янги тизим натижасида илк бор ўртача ҳосилдорлик икки ярим бараварга кескин кўтарилди. Бу ерга бўлган муносабатнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани, фермер олтин топгандек даласига ёпишди-қолди дегани ҳамдир. Жуда сиёсатдан оладиган фермер экан деб ўйламанг, гапнинг дангали, элнинг оғзидаги эътироф бу.

Яна бир муҳим жиҳат. Бугун давлатимиз раҳбари бизнес учун барча шарт-шароитни яратиб бераётган маҳал фақатгина деҳқончиликка кўз тиккан одам адашади. Янги лойиҳаларга қўл ур, таваккал қилишдан асло чўчима, дейман ҳамкасбларга. Ўзим шундай қилганман. Автомашиналарга хизмат кўрсатадиган устахона, тўй ва маросимларни ўтказадиган ҳашаматли сарой ва яна минифутбол маскани қурганмиз.

Тадбиркорлик ортидан қадр топяпман, бу фарзандларимга ҳам юқсин, улар мендан-да омадли, юртпарвар бўлишсин, дейман. Худди Президентимиз сингари. Бу менинг энг катта орзуим.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида «Евро-5» экологик стандартига жавоб берадиган «АИ-92» ва «АИ-95» русумли автобензин ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича қиймати 328 млн. долларлик лойиҳа ишлаб чиқилган.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 14 ноябрь

ВИЗАСИЗ РЕЖИМ – ТУРИЗМ РИВОЖИНИНГ ДРАЙВЕРИ

Мамлакатимизда визасиз ва соддалаштирилган кириш режимининг кенгайиши нафақат сайёҳлар оқимини кўпайтириш, балки халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Нуқтаи назар

Илгари юртимизга кириш жараёнлари мураккаб ва кўп вақт талаб қиладиган тартиблар билан боғлиқ бўлганини кўпчилик яхши билади. Аммо Президентимизнинг очиқлик сиёсати туфайли кейинги йилларда электрон виза, визасиз режимлар, транзит саёҳатларини енгиллаштириш ва айрим тоифадаги фуқаролар учун махсус тартибларни жорий этиш орқали бу тизим анча соддалашди. Чунки визасиз режимнинг асосий аҳамияти — мамлакатга киришдаги маъмурий тўсиқларнинг камайиши. Яъни сайёҳ сафарини олдиндан режалаштириши, авиачипта ва меҳмонхона бронларини тезроқ расмийлаштириши мумкин. Бу эса Ўзбекистонни рақобатбардош туристик йўналишга айлантиришда муҳим омил.

Аммо визасиз режимнинг ўзи етарли эмас. Сайёҳ учун қулай транспорт, сифатли меҳмонхона, электрон хизматлар, хавфсизлик ва кўп тилли гидлар ҳам зарур. Қолаверса, туристлар оқимининг кўпайиши меҳмонхоналар, умумий овқатланиш, транспорт, ҳунармандчилик ва экскурсия хизматларига талабни кучайтиради.

Ўз навбатида, сайёҳларнинг юртимизда қолиш муддатини узайтириш ҳам муҳим вазифалардан. Бунинг учун тарихий шаҳарларни тоғ, экологик ва гастрономик туризм йўналишлари билан боғлаш, ягона турпакетлар ишлаб чиқиш ҳамда минтақалараро транспортни яхшилаш зарур.

Марказий Осиё давлатларининг тарихий ва маданий мероси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Буюк Ипак йўли шаҳарлари, умумий мерос, тоғлар, чўллар ва кўллар минтақани яхлит туристик ҳудуд сифатида тарғиб этиш имконини беради. Асосийси, сайёҳ бир мамлакатга келиб, қўшни давлатларга ҳам осон сафар қила олиши керак.

Шу жиҳатдан, қўшма туристик визалар, ягона маршрутлар, чегарадан ўтишни соддалаштириш, электрон рухсатномалар ва ўзаро тан олинадиган туристик хизматлар минтақавий туризмни сезиларли ривожлантиради. Масалан, Самарқанд — Бухоро — Хива йўналишини Тошкент, Бишкек, Олмаота, Туркистон, Душанбе ҳамда Ашхобод билан боғлаш мумкин. Бундай маршрутлар маҳаллий ва хорижий сайёҳга бир сафар давомида Марказий Осиёнинг бир нечта маданий марказини кўриш имконини беради.

Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорлигида ҳам визасиз ҳамда соддалаштирилган сафарлар муҳим ўрин тутади. Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги тарихий-маданий яқинлик туризм, таълим, бизнес ҳамда маданий алмашинув учун қулай асос яратади. Бугунги кунда умумий музей картаси, туркий шаҳарлардаги маданий маршрутлар, фестиваллар, зиёрат туризми ва ҳунармандчилик кўргазмалари халқлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаяпти.



Соддалаштирилган режим афзалликлари

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг ID-карталар асосида сафар қилиш имкониятини кенгайтириш каби ташаббуслар амалга ошса, бу туризм билан бирга кичик бизнес ҳамда таълим алмашинувига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Қолаверса, виза тартибларининг соддалашиши бизнес алоқаларини тезлаштиради. Бу, айниқса, кичик ва ўрта бизнес учун муҳим. Дейлик, йирик инвесторлар махсус каналлар орқали ташриф буюриши, кичик тадбиркорлар эса мураккаб визавий жараёнлар сабабли ҳамкорликдан воз кечиши мумкин. Соддалаштирилган режим бундай тўсиқларни камайтиради.

Бироқ бизнес учун очиқлик фақат кириш имконияти билан чекланмайди. Инвесторга аниқ қонунчилик, мулк ҳуқуқи кафолати, солиқ тизимининг тушунарлилиги, рухсатнома олиш жараёнларининг тезлиги ва низоларни ҳал қилишнинг ишончли механизмлари ҳам керак. Визасиз режимнинг яна бир афзаллиги шундаки, одамлар мамлакатга кўпроқ келар экан, унинг тарихи, маданияти ва бугунги тараққиёти ҳақида бевосита тасаввурга эга бўлади. Бу ташқи ахборот муҳитида Ўзбекистон ҳақидаги ҳаққоний қарашларни янада мустаҳкамлайди. Талабалар, олимлар, журналистлар, маданият ва санъат вакиллари учун сафарларни енгиллаштириш эса узоқ муддатли гуманитар алоқаларни ривожлантиради. Университетлараро ҳамкорлик, қўшма тадқиқотлар, маданий лойиҳалар халқлар ўртасида ўзаро ишончни кучайтириши билан ҳам муҳим.

Очиқлик сиёсати эса хавфсизлик талаблари билан уйғун бўлиши керак. Туристлар ҳамда чет эл фуқаролари оқими ошгани сари чегара, миграция, киберхавфсизлик ва жамоат тартиби масалаларига эътибор кучаяди. Шунинг учун электрон рўйхатдан ўтиш, маълумот алмашинуви, меҳмонхоналар, транспорт операторлари билан интеграциялашган рақамли тизимлар муҳим. Бундай механизмлар сайёҳлар учун ортиқча бюрократияни камайтирган ҳолда давлатга хавфсизликни самарали таъминлаш имконини беради.

“Визасиз Ўзбекистон” сиёсатини янада самарали қилиш учун бир нечта йўналишга эътибор қаратиш зарур. Марказий Осиё учун қўшма туристик виза ёки соддалаштирилган сафар тартибини ишлаб чиқиш, ТДТ ва МДҲ доирасида ID-карталар асосида сафар уюштириш имкониятларини кенгайтириш зарур. Электрон виза платформаларини янада қулайлаштириш, аэропорт, чегара пунктларида кўп тилли хизматларни ривожлантириш, чекка ҳудудларда меҳмонхоналар, туристик инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, сайёҳлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, хизматлар сифати бўйича назорат, ягона минтақавий турпакетлар ва рақамли туристик хариталар яратиш шулар жумласидан.

Агар виза ислоҳотлари замонавий инфратузилма, сифатли хизмат ва минтақавий ҳамкорлик билан уйғунлашса, Ўзбекистон нафақат очиқ мамлакат, балки Марказий Осиёнинг муҳим туристик ва иқтисодий марказига айланиши муқаррар.

Натижа рақамларда кўринади

Ўзбекистон сўнгги ўн йилда ёпиқ визавий тизимдан минтақадаги энг очиқ мамлакатга айланди. Хусусан, ўтган йили мамлакатимизга рекорд даражада — 11,7 миллион хорижий турист ташриф буюрди, жорий тўққиз ойда эса бу кўрсаткич 10,3 миллионга етди. Очиқлик сиёсати бирйўла эмас, босқичма-босқич шаклланди дейиш мумкин.

Аввал иттифоқдош ва қўшни давлатлар, сўнг Осиё, Европа, кейинчалик Кўрфаз, Хитой ҳамда АҚШ фуқаролари учун эшиклар очилди. Масалан, ўтган йил июндан Баҳрайн, Кувайт ва Ўмон фуқаролари учун 30 кунлик визасиз режим, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида 30 кунлик ўзаро визасиз сафар белгиланди. Шу йил 1 январдан АҚШ фуқаролари учун ҳам 30 кунлик визасиз тартиб кучга кирди. Қолаверса, жорий йил июнь ойида Ўзбекистон ҳамда Гонконг 30 кунгача ўзаро визасиз режим жорий этишга келишиб олди.

Ўзбекистон туризмининг асосий таянчи қўшни давлатлар, десак, хато бўлмайди. Ўтган йилда Қирғизистондан 3,3 млн., Тожикистон ва Қозоғистондан 2,7 млн.дан кўп туристлар келган, яъни уч қўшнининг улуши умумий оқимнинг тахминан 75 фоизини ташкил этади. 2018 йилда Ўзбекистон ҳамда Тожикистон ўртасидаги оғир виза талабининг бекор қилиниши ҳам бу оқимнинг муҳим шарти бўлди.

Кейинги пайтларда минтақада “ягона виза” ғояси илгари сурилаётир. “Ипак йўли визаси” лойиҳасини Ўзбекистон ва Қозоғистон 2018 йилдан буён илгари суриб келади. Унинг моҳияти Шенген визасига ўхшаш. Яъни битта кўп марталик электрон виза билан бир неча давлатни зиёрат қилиш мумкин бўлади.

Яқинда Чўлпонотада бўлиб ўтган Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров минтақа учун ягона туристик виза жорий этиш ташаббусини қайта кўтарди. Бу ташаббус Қозоғистон ҳамда Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланди.

Шу йил 30 октябрда ТДТ Давлат раҳбарлари кенгашида Президентимиз аъзо давлатлар ўртасида сафарни енгиллаштирувчи кўп томонлама келишув тузишни таклиф қилди. Бу чегарадан ID-карта билан ўтиш, кириш тартибини соддалаштириш ва мамлакатларда бўлиш муддатини узайтиришни назарда тутади. Шунингдек, тарихий шаҳарлар ва маданий меросни биргаликда тарғиб этувчи “Туркий туризм альянси”ни тузиш илгари сурилди.

Таъкидлаш керакки, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида Марказий Осиё ичида ID-карта билан сафар қилиш бўйича камида учта келишув тузиш вазифаси қўйилган. Иккитаси жорий йилда, биттаси 2027 йилда амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, бу фуқаролар учун янги қулайликларни тақдим этади.

Демак, визасиз режим Ўзбекистонда туризм ўсишининг асосий драйверига айланди. Сайёҳлар сони рекорд даражага етди, экспорт эса улар сонидан ҳам тезроқ ўсмоқда. Шундай экан, визасиз режим шунчаки чегараларни очиш эмас, балки мамлакат иқтисодиёти учун янги имкониятлар яратиш, миллий туристик салоҳиятни жаҳонга намоён этиш, Янги Ўзбекистонни минтақанинг энг жозибадор туристик йўналишларидан бирига айлантиришга хизмат қилаётган муҳим стратегик қадамдир.

Шаҳноза ЭРГАШХЎЖАЕВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
Маркетинг кафедраси мудири,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Кўргазма

АНЪАНА ВА МАҲОРАТ УЙҒУНЛИГИ

Марғилон ҳунармандчиликни ривожлантириш марказида “Қўқон пичоқлари” номли кўргазма бўлиб ўтди. Унда Фарғона водийси пичоқсоз усталари томонидан ясалган, нафис нақшлар билан безатилган пичоқ намуналари намойиш қилинди. Тадбирда миллий пичоқсозлик санъатини янада ривожлантириш, “Устоз — шогирд” анъаналарини давом эттириш, моҳир усталар тажрибасини оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.



— Бу ҳунарни бобом ва отамдан ўрганганман. Бугунги кунда эса фарзандларим ва набираларим билан бирга давом эттириб келяпмиз, — дейди қўқонлик машҳур пичоқсозлар сулоласининг учинчи авлоди вакили Ҳасанбой Умаров. — Яқинда Қўқон пичоқсозлиги ва ҳолвасининг географик кўрсаткич сифатида эътироф қилингани бизга янада ғурур бағишлади. Бу аждодлардан мерос бўлиб келаётган ҳунарни янада ривожлантириш ва уни келгуси авлодларга етказиш учун катта рағбат бўлди.

Кўргазма доирасида атлас ва адрас тўқиш, гиламдўзлик, дўппидўзлик ва кулолчилик каби миллий ҳунармандчилик йўналишларида фаолият юритаётган усталар ҳам ўз маҳсулотларини тақдим этди. Бу эса тадбирнинг мазмун-моҳиятини янада бойитиб, халқ амалий санъатининг ранг-баранглигини намоён қилди.

Ботир МАДИЁРОВ
(“Халқ сўзи”).

«NAVOIYAZOT»НИНГ МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

Мамлакатимизда кимё саноати маҳсулотларининг қарийб ярми “Navoiyazot” акциядорлик жамияти ҳиссасига тўғри келади. Минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда эса нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам унга тенг келадиган бирорта турдош корхона йўқ.



Имконият

Албатта, бундай қувватли корхона фаолиятида электр энергияси таъминоти барқарорлиги муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда “Navoiyazot” АЖни қайта тикланувчи қувват манбалари ҳисобидан электр энергияси билан таъминлашга қаратилган инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Мазкур лойиҳа ишлаб чиқариш жараёнларининг энергия таъминоти барқарорлигини мустаҳкамлаш билан бирга саноат тармоқларида “яшил” энергиядан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ҳамда анъанавий энергия ресурсларига эҳтиёжни камайтириш сиёсатининг самараси ҳамдир.

Хитойнинг “Sinoma” компанияси томонидан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга оширилган лойиҳанинг умумий қиймати 220 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Унинг доирасида умумий қуввати 300 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ҳамда 75 МВт қувват ва 75 МВт/соат энергия сиғимига эга сақлаш тизими ишга туширилди.

Қуёш фотоэлектр станцияси “Navoiyazot” АЖга тўғридан-тўғри уланган бўлиб, ишлаб чиқарилган “яшил” энергия бевосита корхонанинг эҳтиёжига йўналтирилади. Станция йилига 657 млн. кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга. Бу, ўз навбатида, корхона энергия таъминотида қайта тикланувчи манбалар улушини ошириш, йилига қарийб 175 млн. куб метр табиий газни тежаш ва атмосферага чиқариладиган карбонат ангидрид миқдорини 377,8 минг тоннага камайтириш имконини беради.

Темур ЭШБОЕВ
(“Халқ сўзи”).

РЕКЛАМА

Қизиқиш билдиришга сўров

«Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик» лойиҳаси

Кредит рақами: 7425-UZ
Хизмат тавсифи: “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ “Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳаси доирасида ҳудудий марказларни қуриш ва реконструкция қилиш ишларида қуйидаги мутахассис хизматларини кўрсатиш учун малакали индивидуал консультантларни қизиқиш билдиришга таклиф этади:
1. Атроф-муҳит бўйича мутахассис (UZ-DIP-581360-CS-INDV);
2. Ижтимоий масалаларга ихтисослашган мутахассис (UZ-DIP-581363-CS-INDV);
3. Манфаатдор томонларни жалб қилиш билан шуғулланувчи мутахассис (UZ-DIP-581365-CS-INDV).
Қизиқиш билдиришни тақдим этишнинг охирги муддати: 2026 йил 26 ноябрь, соат 18:00.
Техник топшириқни олиш ва батафсил маълумот учун: udip@it-park.uz, 71-209-11-99 (10-37), (+99895) 165-55-95.

ДУНЁ ХАФТА ИЧИДА

ЭНГ КЎП АҲОЛИ ЕТТИ МАМЛАКАТДА

«DataReportal’»нинг БМТ ҳисоб-китоблари асосида тайёрланган маълумотларида айтилишича, дунё нуфусининг 51,2 фоизи атиги етти мамлакатда истиқомат қилади. Яъни 2025 йил октябрь ҳолатига кўра, аҳолиси энг кўп мамлакатлар рўйхатида тахминан 1,48 млрд. киши билан Ҳиндистон биринчи ўринда турибди. Иккинчи ўринда Хитой қайд этилган — 1,41 млрд. Сайёрадаги одамларнинг қарийб 35 фоизи ушбу икки давлат ҳиссасига тўғри келади.

Кейинги ўринларни АҚШ (қарийб 349 млн.), Индонезия (288 млн.) ва Покистон (260 млн.) эгаллаган. Африканинг аҳолиси энг кўп мамлакати бўлган Нигерияда қарийб 243 млн. киши яшайди. 213 млн. аҳолига эга Бразилия 7-ўринда туради.

«DataReportal’»нинг ҳисоботида 2025 йил октябрь ҳолатига дунё аҳолиси тахминан 8,25 млрд. кишига етгани қайд этилган.

МУАММОНИНГ ИЛДИЗИ — МОЖАРОДА

Германиядаги хусусий компанияларнинг 32 фоизи иқтисодий вазиятнинг ёмонлашиши сабабли 2027 йилда ходимлар сонини камайтиришни режалаштирмоқда. Корхоналарнинг қарийб 40 фоизи эса инвестицияларни қисқартириш ниятида.

Бу ҳақда «BILD» нашрида Германия иқтисодиёти институти тадқиқотига таяниб хабар берилди.

Октябрь ойида ўтказилган сўровда мингдан ортиқ компаниялар иштирок этган. Натижаларга кўра, иш берувчиларнинг ҳар олтинчисигина келгуси йилда ходимлар сонини оширишни режалаштирмоқда. Корхоналарнинг 80 фоизи эса ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармайди ёки камаяди, деб ҳисоблайди. Баҳорда ходимларни қисқартиришни режалаштираётган компаниялар улуши 29 фоиз бўлган.

Экспертлар иқтисодий қийинчиликларнинг сабабларидан бири сифатида АҚШ ва Эрон ўртасидаги можарони кўрсатмоқда. Унинг оқибатида энергия нархлари ошган ва инфляция тезлашган, бу эса кредитларни қимматлаштириб, корхоналарга молиявий босимни кучайтирган.

РУҲИЙ ҲОЛАТ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА БОҒЛИҚМИ?

Албатта. Иқлим ўзгариши хавотирни кучайтириши, уйқу бузилиши ва депрессияга сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳақда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси ҳисоботида маълум қилинди.

Сув тошқинлари ва ўрмон ёнғинлари хавотир, депрессия ва жароҳатдан кейинги стресс бузилишига олиб келади. Офатларга бевосита дуч келмаган одамларда ҳам сайёра келажаги ҳақидаги хавотир кучли стресс уйғотмоқда.

ЖССТ иқлим билан боғлиқ хавотир кундалик ҳаётга халақит бера бошласа, одамларга ёрдам кўрсатиш муҳимлигини таъкидлади. Тадқиқотга кўра, ўнта давлатда сўровдан ўтказилган 16 — 25 ёшлиларнинг қарийб 59 фоизи иқлим ўзгаришидан қаттиқ хавотирда эканини билдирган.

24 СОАТУ 24 ДАҚИҚАЛИК РЕКОРД

«A350-1000ULR» русумли «Airbus» самолёти йўловчи учоқлари орасида энг узоқ масофага тўхтовсиз парвоз қилиб, Гиннеснинг рекордлар китобига кирди. Бу Халқаро аэронавтика федерацияси ва “Flightradar24” томонидан тасдиқланган.

Самолёт Австралиянинг Мельбурн шаҳридан Францияннинг Тулуза шаҳригача чўзилган 23 155 километр масофани 24 соату 24 дақиқада ишғол этди. Учта қитъа ва иккита океан устидан учиб ўтган синов парвози «Qantas» авиакомпаниясининг «Project Sunrise» лойиҳаси доирасида ўтказилди. Самолёт бортида 13 нафар экипаж аъзоси, муҳандислар ва мутахассислар бўлган. Қўшимча ёнилғи баклари билан жиҳозланган «A350-1000ULR» Сиднейдан Лондон ва Нью-Йоркка 22 соатгача давом этадиган тўғридан-тўғри парвозларни амалга ошириш имконини беради.

«Qantas» мазкур лойиҳа учун 12 та самолёт буюртма берган, биринчи лайнерни 2027 йил апрель ойида қабул қилиши кутилмоқда.

Интернет хабарлари асосида
Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ
(“Халқ сўзи”) тайёрлади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази директори Қобулжон Аҳмедовга падари бузруквори **ХОЛИҚ ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Велосипед спорт турларини янада оммалаштириш ва ривожлантириш мақсадида 2030 йилга қадар мамлакатимизда ушбу спорт билан шуғулланувчи аҳоли қамровини 30 минг нафарга етказиш кўзда тутилган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 17 559 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.12 Топширилди — 23.25 1 2 3 4 5 6